

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« I » марта 2019 у.

№ 183

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги  
Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш  
тадқиқотлари маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузурида Тармоқ бозорлари ва экспортта йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) номенклатураси ва турлари тўғрисида хўжалик юритувчи субъектларга ахборот бериш учун мунтазам янгиланиб бориладиган электрон-ахборот порталини яратиш;

ички ишлаб чиқариш кувватлари, товарларга бўлган талаб ва таклифнинг ҳажмлари, шунингдек, ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган маҳсулотта ички бозорда нархларнинг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш;

товар бозорларидағи нархлар, талаб ва таклифларнинг ўзгариши динамикасини таҳлил ва мониторинг қилиш ҳамда шу асосда тегишли таклифлар тайёрлаш;

тармоқ бозорлари конъюнктурасини республика ва худудлар кесимида комплекс ўрганиш, уларнинг мувозанатли ривожланиши тўғрисида таклифлар тайёрлаш.

3. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари маркази тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари марказининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирига зарур бўлганда, бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сони доирасида Марказ тузилмасига ўзгаришилар киритиш хукуки берилсин.

**4. Белгилаб қўйилсинки:**

Марказ директори Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Марказ директори мақоми, меҳнатта ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизматлари шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг департаменти бошлиғига тенглаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Марказни ахборот билан таъминлаш ва моддий рағбатлантиришни ташкил этиш жамғармасини (кейинги ўринларда бюджетдан ташқари Жамғарма деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Вазирлик ва хўжалик юритувчи субъектларнинг буортмалари бўйича шартнома асосида товарлар ва хизматлар бозорини тадқиқ этиш борасида бажарилган ишлар учун олинган маблаглар ҳамда конун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар бюджетдан ташқари Жамғарманни шакллантириш манбалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги билан биргалиқда бюджетдан ташқари Марказни ахборот билан таъминлаш ва моддий рағбатлантиришни ташкил этиш жамғармаси маблагларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

**6. Куйидагилар Марказни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:**

Ўзбекистон Республикаси Даълат бюджетининг маблаглари;

бюджетдан ташқари Жамғарманинг тўлов асосида бажарилган ишлар учун олинган маблаглари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, конун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги тугатилаётган Товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш ҳамда инвестиция лойиҳалари ва дастурларини экспертиза қилиш республика марказининг асосий воситалари, мулки ва бошқа активлари, архив ҳамда бошқа хужжатлари Марказга берилсин.

**8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:**

Марказнинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ уни жорий таъминлаш, шу жумладан ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, ташкилий техника, алоқа воситалари билан жиҳозлаш, иккита енгил автомобиль харид қилиш ва уларни сақлаш учун маблаг ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш ҳамда инвестиция лойиҳалари ва дастурларини экспертиза қилиш республика марказининг тугатилиши муносабати билан айни вақтгача ҳисобланган иш ҳақи бўйича харажатларни қопласин.

9. Марказ директори Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишган ҳолда, икки ой муддатда Марказни товар бозорларини таҳлил қилиш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлган юқори малакали ва тажрибати мутахассислар билан таъминласин.

10. Марказ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45 “а” уй манзилида жойлашган биносига беғараз фойдаланаш ҳамда коммунал ва эксплуатация ҳаражатларини қопламаслик ҳукуки билан жойлаштирилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси молия вазири Ж.А.Кўчкоров ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири Б.А.Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 1 марта  
183-сон қарорига  
1-илюва

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги  
хузуридаги Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган  
ишлаб чиқариш тадқиқотлари марказининг  
УСТАВИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари марказининг (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) вазифалари, функциялари, хукук ва мажбуриятлари, фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Марказ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Марказ фаолиятига умумий раҳбарликни ва унинг назоратини амалга оширади, Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлайди ҳамда ходимларининг малакасини оширишни ташкил этади.

3. Марказ давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўзининг алоҳида мулкига, мустақил балансига, банкларда ҳисоб-китоб ва валюта ҳисобракамларига, ўзининг номи ёзилган думалоқ муҳрга, фирма бланкаларига ҳамда штампга эга бўлади.

4. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Уставга, бошқа қонунчилик ҳужоатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги қарорларига амал қиласди.

5. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг топшириклари ва буортмалари, вазирликлар, идоралар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларининг буортманомалари асосида амалга оширади.

6. Марказнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари маркази, қисқартирилган номи – ТБЭЙИЧТМ;

б) инглиз тилида:

тўлиқ – The centre for studies of industrial markets and export-oriented production under the Ministry of Economy and Industry of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи – CSIMEP;

в) рус тилида:

тўлиқ – Центр исследований отраслевых рынков и экспортноориентированного производства при Министерстве экономики и промышленности Республики Узбекистан, кискартирилган номи – ЦИОРЭП;

7. Марказ (почта манзили) Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кӯчаси, 45а уй манзилида жойлашган.

## **2-боб. Марказнинг вазифалари ва функциялари**

8. Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) номенклатураси ва турлари тўғрисида хўжалик юритувчи субъектларга ахборот бериш учун мунтазам янгиланиб бориладиган электрон-ахборот порталини яратиш;

ички ишлаб чиқариш қувватлари, товарларга бўлган талаб ва таклифнинг ҳажмлари, шунингдек, ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган маҳсулотга ички бозорда нархларнинг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш;

товар бозорларидағи нархлар, талаб ва таклифларнинг ўзгариши динамикасини таҳлил ва мониторинг қилиш ҳамда шу асосда тегишли таклифлар тайёрлаш;

тармоқ бозорлари конъюнктурасини республика ва ҳудудлар кесимида комплекс ўрганиш, уларнинг мувозанатли ривожланиши тўғрисида таклифлар тайёрлаш.

9. Марказ унга юқланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

*а) республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) номенклатураси ва турлари тўғрисида хўжалик юритувчи субъектларга ахборот бериш учун мунтазам янгиланиб бориладиган электрон-ахборот порталини яратиш соҳасида:*

бозорларни ўрганиш натижалари шархлари ва ахборот-услубий маълумотлар базасининг юритилишини таъминлайди;

бозордаги тенденцияларнинг ўзгариши юзасидан мониторинг ўтказади ва бозорларни ривожлантириш борасидаги муаммолар ва хавфларни бартараф этиш бўйича тавсиялар тайёрлайди;

республика ва ҳудудлар бўйича товарларнинг стратегик мухим турлари бўйича бозор конъюнктураси шархини тайёрлайди;

истеъмол бозорини талаб юқори бўлган товарлар билан тўлдириш бўйича тавсиялар тайёрлайди;

*б) ички ишлаб чиқариш қувватлари, товарларга бўлган талаб ва таклифнинг ҳажмлари, шунингдек, ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган маҳсулотга ички бозорда нархларнинг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш соҳасида:*

асосий товарлар групхлари бўйича товар бозорлари, шу жумладан истеъмол бозорларининг холати тўғрисида ҳар ойлик таҳлилий маълумотномалар ва ҳар чораклик конъюнктура шархларини тайёрлайди;

республикада ишлаб чиқариладиган ва хориждан импорт қилинадиган маҳсулотларнинг (товарлар ва хизматлар) номенклатураси ва турлари тўғрисида хўжалик юритувчи субъектларни хабардор килиш мақсадида Марказнинг электрон-ахборот порталини янгилашиб боради;

ички ишлаб чиқариш кувватлари мавжудиги, товарларга бўлган талаб ва таклиф ҳажмлари ҳақида маълумотлар базаси юритилишини таъминлайди;

товар бозорларида нархлар динамикаси, талаб ва таклифнинг ўзгаришларини таҳлил ва мониторинг қиласи;

тармоқ бозорларини тартибга солишида янги инновация механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

*в) товар бозорларидаи нархлар, талаб ва таклифларнинг ўзгариши динамикасини таҳлил ва мониторинг қиласи ҳамда шу асосида тегишили таклифлар тайёрлаши соҳасида:*

республика ва худудлар бўйича тармоқ бозорлари конъюнктурасини комплекс ўрганади ҳамда шу асосда уларни мувозанатли ривожлантириш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

айрим бозорларнинг ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил ва прогноз қиласи;

бозорларда импорт товарларга бўлган талаб ва таклифни ўрганади, импорт ўрнини босиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

республика ҳудудида ўзлаштирилиши таклиф этилаётган айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқиш бўйича инвестиция лойиҳаларини асосларини тайёрлайди ва ишлаб чиқади;

*г) тармоқ бозорлари конъюнктурасини республика ва худудлар кесимида комплекс ўрганиши, уларнинг мувозанатли ривожланиши тўғрисида таклифлар тайёрлаши соҳасида:*

омилларнинг товар бозорлари ўзгарувчанлигига таъсирини баҳолайди, уларнинг рақобат устунликларини аниклайди;

товар бозорларини ривожлантиришда нарх ўзгарувчанлиги омилларини, таввакалчилликларни ўрганади ва аниклайди;

бозордаги вазиятни белгилаб берадиган сабабли-оқибатли боғлиқликлар ва омилларни аниклайди;

бозор ҳолати ҳисобга олинган ҳолда, импорт қилинадиган товарлар учун асосланган солиқ ставкалари ва божхона тўловларини (божлар, акцизлар ва ККС) белгилаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

*д) саноат тармоқларининг, шу жумладан экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларнинг ишлаб чиқарни салоҳиятини таҳлил қиласи ва ўрганиши соҳасида;*

саноат тармоқларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини, шу жумладан экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни таҳлил қиласи ва ўрганади;

саноат тармоқлари, шу жумладан экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришлар салоҳиятини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташки бозорга чиқиш имкониятларини кўриб чиқиш юзасидан тармоқ бозорларининг асосий миқдорий кўрсаткичларини баҳолайди.

### 3-боб. Марказнинг ҳукуқлари ва мажбурияглари

10. Марказ ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги ҳукукларга эга:

товар бозорлари кўрсаткичлари, республикада ишлаб чиқарилётган ва импорт килинадиган маҳсулот (товарлар ва хизматлар) номенклатураси ва турлари тўғрисидаги зарур ахборотни тўплаш ва унга қайта ишлаш, шунингдек, Марказ веб-сайтида жойлаштириш;

тармоқ бозорлари кўрсаткичларини тадқиқ этиш ва мониторинг қилиш бўйича услубий материаллар ишлаб чиқиш;

айрим товар бозорлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

айрим товар бозорлари бўйича тадқиқотлар ўтказиш ҳамда зарур маълумотларни тўплаш ва умумлаштириш;

ташкилотлар ва ахоли ўртасида интервью олувчилик ҳамда жавоб берувчиларни шартнома асосида жалб қилган ҳолда, сўровнома ва бошқа ижтимоий сўровлар ўтказиш;

айрим тармоқ бозорларини мувозанатли ривожлантириш, шунингдек, саноат тармоқларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш бўйича прогноз-таҳлилий материаллар, конъюнктура шарҳлари ва таклифлар тайёрлаш;

белгиланган муддатларда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Марказ ваколатига кирадиган масалалар бўйича тайёрлайдиган иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини ривожлантириш бўйича прогноз-таҳлилий материаллар, комплекс ва мақсадли дастурлар ишлаб чиқишида иштирок этиш;

Марказ фаолиятига таалукли масалалар бўйича республика ва хорижий мамлакатларининг илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

грантлар, шу жумладан ҳалқаро ташкилотлар ҳисобидан молиялаштириладиган илмий-тадқиқот ишларини бажариш;

тўлов асосида тузилган шартномаларга мувофиқ вазирликлар ва хўжалик субъектларининг буюртмалари бўйича марказ фаолиятидан келиб чиқадиган маркетинг ва конъюнктура тадқиқотлари хизматларини кўрсатиш;

Марказга юқланган вазифалардан келиб чиқадиган маслаҳат, ахборот ва бошқа хизматларни кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси худудида марказ фаолиятини яхшилашга ёрдам берадиган филиаллар ташкил этиш;

Марказга юқланган вазифаларини бажариш доирасида унинг фаолияти учун зарур бўлган техник воситалар, ускуналар, ноу-хау ва бошқа маҳсулотларни сотиб олиш;

маҳаллий ва хорижий ташкилотлар билан маркетинг ва конъюнктура тадқиқотларини амалга ошириш бўйича шартномалар тузиш;

Марказ мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини, шу жумладан хорижий мамлакатларда ошириш;

товар бозорларини ўрганиш ва инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича конференциялар, ўкув семинарлари, симпозиумлар ва давра сухбатларини ўтказиш;

Марказ фаолияти йўналишлари бўйича ноширлик фаолиятини амалга ошириш ва оммавий ахборот воситаларида товарлар бозорларининг конъюнктура шарҳлари ҳакида таҳлилий материалларни тарқатиш.

Марказ қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**11. Марказ:**

тармоқ бозорлари бўйича конъюнктура шарҳлари ва таҳлилий материаллар ўз вақтида тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги учун ва бошқа ташкилотларнинг буюргасига кўра бажариладиган таҳлилий ишланмаларнинг юқори сифат дараҷасини ва илмий асосланганлигини таъминлаши шарт.

**4-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиши**

12. Марказга Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қиласи.

Марказ директори барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида, шунингдек, хорижий мамлакатларда Марказни ифода этади.

**13. Директор:**

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири билан келишган ҳолда, Марказ директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган битта ўринbosарга эга бўлади;

мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги департаментининг бошлигига тенглаштирилади;

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирига бўйсунади ва унга ҳисобот беради.

14. Марказ ходимлари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ходимларига тенглаштирилади.

**5-боб. Марказ директорининг асосий функционал мажбуриятлари**

**15. Марказ директори:**

Марказ фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи;

Марказ ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

Марказ бўлимлари бошлиқларининг ҳисботини эшитади;

қонун хужжатларига мувофиқ Марказ ходимларига ажратилган маблаглар доирасида кўшимча пул, мукофот ва бошқа пулларни тўлаш тартиби ва шартларини белгилайди;

Марказга юклangan вазифалар учун шахсан жавоб беради;

Марказ фаолиятига таалукли масалалар бўйича тезкор мажслислар ўтказади;

Марказ ходимларини интизомий жазога тортиш ва рағбатлантириш масалаларини ҳал қиласи;

ўз ўринбосари ва Марказнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилайди, улар ўргасида мажбуриятларни тақсимлайди, Марказнинг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиши борасидаги ўз ўринбосари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлик даражасини белгилайди;

Марказ томонидан илмий-услубий ишларни амалга оширишнинг тегишли даражасини таъминлайди;

маҳаллий ва хорижий ташкилотларда Марказни ифода этади;

белгиланган тартибда Марказ мулкини ва маблағларини тасарруф этади;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий шахслар билан шартномалар тузади;

Марказ фаолиятининг вазифалари ва йўналишларига мос келадиган тадқиқотларнинг мавзули режаларини ишлаб чиқади;

Марказ фаолиятини таъминлаш учун бошқа масаларни белгиланган тартибда ҳал этади;

конун хужжатлари ва ушбу Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### **6-боб. Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиши**

16. Марказ бюджетдан ташқари Марказни ахборот билан таъминлаш ва моддий рағбатлантиришни ташкил этиш жамгармасига (кейинги ўринларда бюджетдан ташқари Жамгарма деб аталади) эга бўлади ва унинг маблагларидан:

Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш (санаторий-курорт ва тиббий хизмат кўрсатиш, мукофотлар тўлаш, устама пуллар белгилаш, моддий ёрдам ва бошқалар);

Марказ фаолиятини моддий-техник таъминлаш;

Марказ ходимларини ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, шу жумладан хорижий мамлакатларга ташрифларини ташкил этиш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

Марказ фаолиятини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирлар учун фойдаланилади.

#### **7-боб. Марказнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ҳисобот бериши**

17. Директор Марказ фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирига мунтазам ҳисобот беради.

18. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Марказ фаолиятини унга юкланган вазифалар самарали бажарилиши юзасидан доимий мониторинг қилиб боради.

#### **8-боб. Марказ мулки ва молиявий маблағлари**

19. Марказ мулкини қўйидагилар ташкил этади: асосий фонdlар (ускуналар, транспорт воситалари ва бошқалар), айланма воситалар, шунингдек, молиявий ресурслар ва барча молиялаштириш манбалари ҳисобига сотиб олинадиган бошқа моддий бойликлар. Марказ мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс эттирилади.

20. Марказ ўзига бириктирилган мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш хукукини белгиланган тартибда амалга оширади.

21. Барча тадқикот материаллари, шунингдек, тузилган шартномаларга мувофик Марказ буюртмасига биноан бошқа ташкилотлар томонидан бажарилган тадқиқотлар Марказ фаолиятининг интеллектуал мулки объектлари хисобланади.

22. Хўжалик, илмий-техник фаолиятдан тушган даромадлар, шунингдек, хайрия, ҳомийлик маблаглари ва беғараз тушумлар хисобига сотиб олинган мулк ва воситалар Марказ мулки хисобланади.

23. Марказнинг бюджетдан ташқари Жамгармасига пул маблағларини киритиш ҳажми ва тартиби бюджетдан ташқари Жамгарма маблағларини шакллантириши ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланади.

#### **9-боб. Якунловчи қоида**

24. Марказ қонун хужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тутатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 1 мартдаги  
183-сон қарорига  
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуриданги Тармоқ бозорлари  
ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқикотлари марказининг  
**ТУЗИЛМАСИ**



Жами - 38 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари – 35 нафар.